Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 20-fevral, №8 (568)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Ёшлар қайси нашрларни ўқишаяпти?

...Ёшларнинг кичик бир гуруҳи орасида ўтказилган сўровлар натижасида гувоҳи бўлганимиздек, ҳеч бўлмаганда битта нашрни кузатиб бораётган, талабалар билан бир қаторда жиддий газеталардан узоқлашиб бораётганлар ҳам талайгина экан...

⇨ 2-бет

«Умрим **илмга** бағишланди»

Бу дунёда ҳамма ишнинг натижаси муҳим. Натижа шу бўлдики, филология фанлари доктори, профессор Шавкат Раҳматуллаев саксон икки йиллик умри давомида 114 номдаги дарслик, ўқув қўлланма, илмий мақолага муаллиф, 2 та докторлик, 17 та фан номзодлик ишига раҳбарлик, жами 33 номдаги ишга муҳаррирлик қилди...

⇨ 4-бет

«Актёрлик — **пешонамга ёзилган қисмат**»

Биласизми, мени яна оғир ўйга чўмдирадиган ҳолат театрда, кинода иқтидорсизларнинг ишга қабул қилинаётганлигидир. Ахир санъатда бошқа соҳалардагидек ошно-оғайнигарчилик кетмайди. Актёрликда иқтидори йўқларни бир-икки ой яшириш мумкин, аммо кўп ўтмай сири фош бўлади...

⇨ 8-бет

МУНОСАБАТ

Юрт равнақига **масъуллик**

Давлатимиз раҳбари ана шу муҳим вазифага яна бир карра эътибор қаратди

Маълумки, жорий йилнинг 15 февралида Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида воҳанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, бу ўлкада мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиш, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, янги иш жойларини ташкил этиш ва шулар ҳисобидан шу заминда яшаётган одамларнинг турмуш даражаси ҳамда маданиятини юксалтириш каби муҳим ва долзарб вазифаларга тўхталди. Шу билан бирга Президентимиз ўз маърузасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида вилоятда кўзга ташланаётган муаммоларга эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларда учраётган ва тараққиётимизга халал бераётган масалаларни аниқ мисоллар ва далиллар асосида кўрсатиб берди, уларни бартараф этиш бўйича керакли тавсия ва вазифаларни санаб ўтди. Айтиш керакки, муҳтарам Президентимиз томонидан тилга олинган барча масалалар ўз вақтида илгари сурилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳукуматимиз томонидан ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга замонавий билим бериш, зарур касб-ҳунарларга ўргатиш йўлида яратилаётган шарт-шароит таҳсинга лойиқ, бу борада қўлга киритаётган улкан ютуқлардан кўнгил қувонади. Чунончи, Хоразм вилоятида 2007 йилнинг ўзида 5,4 минг нафар ўқувчи таълим олиши учун саккизта замонавий касб-ҳунар даргоҳи қурилди. Шунингдек, 500 нафардан ортиқ иқтидорли ва салоҳиятли ўғил-қиз илм сирларини эгаллайдиган академик лицей бунёд этилди. Жумладан, 32 та мактаб янгидан қурилди ҳамда таъмирланди.

Хусусан, вилоятда ечимини кутиб турган бир қанча муаммолар борлиги, уларни ҳал этишга эътибор берилмаганлиги қаттиқ танқид қилинди. Масалан, ўтган йили бевосита вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаганлиги ачинарлидир. Вилоятнинг бир қатор туманлари ҳамон давлат дотациясида кун кўраётгани ҳам жойларда саноат соҳасида оқсоқлик ҳолатлари мавжудлигини исботлайди.

Президентимиз сессия иштирокчиларининг эътиборини Урганч шаҳрининг бош майдонини тартибга келтириш, уни миллий ва замонавий усулда қайтадан барпо этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга қаратди. Тўғри таъкидланганидек, вилоятнинг қиёфасини кўрсатадиган ана шу майдонни обод қилиш ҳам узоқ йиллар давомида вилоят ва шаҳар раҳбарларининг эътиборидан четда қолди.

Юртбошимиз вилоятда қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги аҳвол, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан танқидий муносабатини билдирди. Айнан ана шу соҳадаги жиддий камчиликлар, ташвишли ҳолатлар юзасидан бир қанча ачинарли мисоллар келтирилди.

Шубҳа йўққи, юқоридаги ҳолатлардан тегишли хулоса чиқариш, қўйилган вазифаларни виждонан бажариш биринчи навбатда воҳа фаолларидан виждонан меҳнат қилишни тақозо этади.

Сессияда вилоятга янги раҳбар тайинланди. Бу эса Юртбошимиз ҳамда Хоразм аҳлининг унга бўлган ишончини ифодалайди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА



Ўқитувчилик энг машаққатли ва савобли касблардан бири. Негаки, устоз-мураббийларимиз бераётган сабоқлар нурли келажак сари етаклайди, ҳаёт йўлларида муносиб ўрнимизни топиб олишимизга кўмаклашади.

Суратда ана шундай касб эгаларининг бир гуруҳи акс этган. Улар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия берадилар.

Абдувоси Ҳайдаров олган сурат.

2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

Келажакнинг **ёруғ умидлари**

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 8 февраль куни «2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирларидан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим, — дея алоҳида таъкидлади.

Шу юртнинг оддий бир фарзанди, ҳаётга бефарқ бўлмаган фуқароси сифатида ўйлаб қарасам, ушбу сўзлар таг-замирида жуда катта маъно мужассам экан. Биз, ёшлар тақдири ҳақида доимий ғамхўрлик қилиб келаётган Юртбошимизнинг ушбу сўзлари, менимча, кўп жиҳатдан таълим-тарбия маънавиятга бориб тақалади.

Дарвоқе, маънавиятни инсон руҳияти, ахлоқининг кўзгуси деймиз. Аждодларимиз ушбу тушунчани бежиз камолатининг энг муҳим воситаси деб қарамаган. Глобаллашув замонида маънавият, ахлоқ инсон томонидан ўйлаб топилган нарса, асло унинг ҳаётий хулосаси эмас, дейдиган "зиёли"лар ҳам йўқ эмас. Инсоният маънавиятсиз, одоб-ахлоқсиз тараққиётга эмас, аксинча таназзулга юз тутишини исботлаб келмоқда. Бу нима ҳисобига юз бераяпти?

Бугунги кунда Ғарб оламида жамоатчилик минбаридан минбарларига кўчиб юрган мавзуларда мазкур қитъанинг айрим халқлари юз тутаётган маънавий таназзулнинг оқибатларидан бири ахлоқсизлик дея баҳоланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Не ажабки, бугунгидек замон шиддатида одоб-ахлоқ, тарбиядан кўра, ахлоқсизлик, маънавиятсизлик тез тарқайди. Бунга қарши курашнинг, ёшларимизни бундай ёт тушунчалардан ҳимоя қилишнинг бирдан-бир йўли, қанча ўйламайлик, бу, аввало, таълим-тарбия, савод, маънавият масалаларига бориб тақалаверади. Маънавиятсизлик, саводсиз одам жоҳил билан баб-баравар,жоҳил эса ҳеч қачон жамиятга, инсониятга наф бермаган. Шу боис бани башар азалдан жоҳилликка қарши курашнинг энг фойдали усули — маориф билан шуғулланиб келади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам ёш авлоднинг мукаммал таълим-тарбия олиб, комил инсонлар бўлиб етишиши, шу асосда жамиятда интеллектуал, маънавий юксалишга эришишдир.

Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида таълим муассасалари — замонавий мактаблар, лицей ва коллежларнинг қурилаётганининг гувоҳи бўлмоқда. Уларда билим олаётган ёшлар жамиятимизнинг илм-зиёли, маърифатли юксак қатламини янада кенгайтиришга хизмат қилиши тайин.

(Давоми 2-бетда.)

ХАБАРЛАР

Бугуннинг нафаси

Тошкент фотосуратлар уйида "Замонавий япон фотографияси: 1970 йилдан бугунги кунимизгача" кўргазмаси очилди. Япония элчихонаси ва Япония фонди ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада 23 нафар ижодкорнинг 76 та асари намойиш этилмоқда. Уларда табиат ва цивилизациялашган одам, тараққиёт билан тўқнашган япон жамияти ва бир хиллашиб бораётган олам манзаралари акс этган. Асарлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, "Ўзгараётган жамият" ва "Ўзгараётган ландшафт" деб номланади.

Кўргазма ўз ишини давом эттирмоқда.

Фаррух ЖАББОРОВ

Навоий шаҳрида янги буюм бозори ишга тушди. Ёпиқ тим, савдо расталарини ўз ичига олган бозор харидор ва сотувчилар учун барча шароитларга эга. Умумий майдони 3,5 гектар бўлган янги савдо мажмуасида 160 та ҳусусий дўкон иш бошлади.

Бахтиёр КАРИМОВ

Қарши шаҳрида Project HORE Оналар ва болалар саломатлиги бўйича репродуктив саломатлик дастури ва Соғлом оила лойиҳасининг вилоятдаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Оилада соғлом муҳитни шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва репродуктив саломатлик борасида олиб борилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Лойиҳа доирасида 2002—2008 йиллар давомида вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дея таъкидлайди олий тоифали шифокор Шоира Набиева.

Пўлат ГАДОЕВ

Наманган вилоятида маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари учун махсус семинарлар бўлиб ўтди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ташкил қилинган ушбу тадбирда ёшлар таълим-тарбиясига, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Нагима Алиева

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида Бухоро вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шофиркон туманида ўтган йили 111 километр масофага сув қувурлари тортилди. Натижада, Жўйработ, Тезгузар, Ш. Ҳамроев қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди.

Шавкат НОСИРОВ

МУНОЗАРА ВА МУЛОҲАЗА

Агар **маҳоратимиз** ошмас экан...

Холислик ва ҳаққонийлик журналист учун ҳақиқат мезони ҳисобланади. Ҳақиқатни тўғри, холис ва қизиқарли қилиб ёзиш учун эса маҳорат керак. Маҳоратсизлик ҳар қандай журналистга панд беради.

Маҳоратнинг ҳам мезонлари бор. Биров танқидбозликни юксак маҳорат деса, бошқа биров бирорта шов-шув бўладиган воқеани ошириб-тошириб ёзишни маҳорат деб билади. Яна биров ҳақиқатчи сифатида танилган журналистни маҳоратли деса, бошқа биров тарғиботчи сифатида «тер тўккан» журналистни маҳоратли дейди. Аслида-чи? Аслида маҳорат деганда, аввало, ўта савдохонликни, ҳозиржавобликни, танланган мавзунинг моҳиятини чуқур англашни, масалага тўғри ва холис ёндашишни, жанр хусусиятини тушунишни, ҳар жиҳатдан етукликни, қолаверса, ёзиш гаштидан ҳузур қилишни тушунмоқ керак. Бунга эришиш учун ҳаёт ва ижод синовидан ўтишга тўғри келади.

Қаерда маҳоратли журналистлар ишласа, ўша ерда ижод маҳсули ҳаммага манзур бўлади. Яъни газета ва журналнинг ўқувчиси кўпаяди, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг мухлислари ортади. Журналистнинг номи эл оғзига тушади. Ижодкорнинг изланмаслиги, ўз устида ишламаслиги, бошқалардан ўрганмаслиги, зерикарли ёзиши, жанрлар хусусиятини англаб етмаслиги уни бир қолипга солиб қўяди. У қаерда бўлиб, қайси мавзуда ёзмасин чегарадан, ўзи тушиб қолган қолипдан чиқа олмайди. Ҳатто фикрлаш ва мулоҳаза юритиш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Бундай ҳолатни айрим ҳамкасбларимиз фаолиятида кўриб турибмиз.

Келинг, яхшиси, бугунги кундалик матбуотни бир кўз олдимиздан ўтказайлик. Айрим газеталарда асосан учта жанр — хабар, ҳисобот, оддий маълумотнома сифат корреспондеция ёки ҳисобот шаклидаги мақола кўзга ташланади. Хўш, нега бошқа жанрлар тобора йўқ бўлиб боряпти?! Айтайлик, энг жанговор ва ҳозиржавоб жанр — репортаж нега «анқонинг уруғи» бўлиб қолди? Нега мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни, воқеа-ҳодисаларни турли жанрларда қизиқарли қилиб ёза олмаяпмиз? Нега газеталаримизда очерк деган рукн кўринмай кетди?

Аксарият газеталар кам нусхада нашр этилади, улар шаҳардаги газета дўконларига икки-уч нусхадан тарқатилса-да, кўпинча сотилмай қолади. Сотилмаган газеталар бир неча кундан кейин қайтадан олиб кетилади. Хўш, нега хориждаги олди-қочди воқеалар, енгил-елпи ҳаёт, беҳаёлик, қотиллик, хиёнат ва диёнатсизлик ҳақида ёзган газеталар тезда сотилиб кетади-ю, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги жиддий масалалар ёритилган газеталар сотилмай туриб қолади?! Чунки, кўпинча бир қолипда жуда зерикарли ёзилади. Хабар ва ҳисоботдан нарига ўтилмайди. Корреспонденция ва мақолаларда қуруқ рақамлар қалаштириб ташланади. Ҳеч қандай таҳлил, таклиф, фикр-мулоҳаза, хулоса йўқ. Рақамлар билан бирга фақат исм-фамилиялар, корхона, муассаса ва ташкилотлар номи санаб ўтилади. Баъзан турли идоралар томонидан тайёрланган оддий маълумотнома (справка)лар мақола деб эълон қилиняпти. Демак, бунга маҳоратсизлик, эринчоқлик сабаб. Айниқса, бундай муҳитга тушиб қолган ёш журналистдан нимани кутиш мумкин? Ҳозир афсуски, стилистика нималигини билмайдиган ёш дипломли журналистлар кўп. Улар ҳатто жойлардан келган хат-хабарларни кўнгилдагидек таҳрир қила олишмайди.

(Давоми 3-бетда.)

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Келажакнинг **ёруғ умидлари**

(Бошланиши 1-бетда.)

Кузатаётганимиз — таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш баробарида миллий истиқлол ғоясига йўғрилган, ЎЗЛИГИМИЗни сақлаб қолишга ёрдам берадиган услублардан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар бесамар кетмаяпти.

Мисоллар кўп. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси қарийб юз фоизни ташкил этаётгани шундай фахрлансак арзийдиган фактлардан биридир. Ёки ёшларимизнинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида ишда, ўқишда қўлга киритаётган улкан ютуқлари сабаби биздек ёш авлод вакилларининг юксак талаблар даражасида умумий ва олий таълим олиши билан бир қаторда ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун муносиб шарт-шароит яратилганидандир.

Юртбошимизнинг маърузасида алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби янгитдан бунёд этилди, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Очиғи, ёш авлодга бундан ортиқ эътибор, ғамхўрлик бўладими? Ахир, юқоридаги рақамлар айтишга осон. Минглаб ўқув даргоҳларини қуриш, барча керакли замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун қанчадан-қанча катта маблағлар сарф этилади. Бу улуғ ишлар келажагимизнинг ёруғ, янада нурли маърифатли бўлишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Биз – ёшлар эса давлатимизнинг ана шундай юксак ғамхўрликларига яраша муносиб кишилар бўлишга, Ватан, юрт равнақи учун бор куч, билимларимизни аямаслигимиз зарур.

Зеро, мамлакатимизда инсон маънавиятини бойитадиган, уни эзгу ишларга, юксак мақсадларга бошлайдиган кўринмас куч — билим ва тафаккурни шакллантирадиган таълим ва тарбияга катта эътибор берилаётган экан, ёшларимиз қандай қадриятлар сари интилаётгани, қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшаётганига асло лоқайд ва бефарқ қараб бўлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди.

Низомиддин НОРМАМАТОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси.

АНЖУМАН

Журналистнинг **сўзи ўткир бўлсин!**

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган анжуманнинг асосий мавзуси “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишда ОАВларнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусида бўлди.

Журналистлар бу борада ўз изланишлари ҳақида сўз юритдилар. Матубот ҳамда телерадиоканалларда эълон қилинаётган материалларнинг ғоявий ва мантиқий таъсирчанлиги хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирни Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Муҳаммаджон Обидов олиб борди.

Анжуман ишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси вице-спикери Хуршид Дўстмуҳамедов, Қонунчилик палатаси Ахборот коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор Исмоил Саифназаров, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Отабек Мансуровлар сўзга чиқишди. Улар республикамиз, қолаверса, Фарғона вилояти аҳолисининг кўп қисмини ташкил этувчи ёшларимиз учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар ёш авлоднинг изланувчанлик ва яратувчанликка ундаётганини эътироф этишди. Ёшлар ҳаётидаги ўзига хос жиҳатларни ёритишда ОАВларнинг вазифалари ҳақида қимматли маслаҳатлар бердилар.

— Журналистнинг фикри теран, сўзи ўткир бўлиши керак. Ана шундагина матбуотнинг таъсирчанлиги ошади, — дейилди тадбирда сўз олган устоз журналистлар.

Ўз мухбиримиз

Нигоҳимизда — **ҳудудий нашрлар**

КЎЗИМГА ЁШ КЕЛДИ

Халқимизнинг нонга бўлган эҳтиёжи доимий, нега энди авваллари риоя қилинган санитария-гигиена ҳолатларига ҳозирги кунда риоя қилинмай қўйилди. Авваллари ўрнатилган тартиб-қоида нега сустлашиб кетди. Баъзан ноннинг сифатсиз эканлигини билсак-да, «увол бўлмасин», деб болаларимизга едираверамиз. Соғлиққа зарари борми-йўқми ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Мени кечи-

расизлар-у, ҳалол табаррук неъматни ҳалоллигича тановвул қилолмаймиз. Кўпчилигимиз шунга гувоҳмизки, нонлар аввалгидек, махсус машиналарда эмас, енгил машиналарда ташилаётибди. Уларга бир кунда қанча одам чиқиб тушади. Йўловчиларнинг айримлари балки қандайдир касаллик билан оғригандир. Бунга Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология маркази ва бошқа тегишли идораларнинг мутасадди раҳбарлари нима дейди?

Ҳаётхон Давронова.
«Қувасой тонги», 2008 йил 29 январь.

«БЎШ ВАҚТДА БЎШ ШЕЪР ЁЗАМАН»

Мукофотлар истеъдодларни рағбатлантириш учун топширилади, танловлар эса уларни кашф этиш мақсадида ўтказилади. Шу боис ҳам аксарият ҳолларда уларга масъулият билан ёндашилади, катта тайёргарлик кўрилади.

Яқинда «Истеъдодли раққоса» кўрик-танловида мактабнинг 12-13 ёшли қизларидан 20 нафари иштирок этди. Мақсад истеъдодли раққосаларни танлаб олиш, келгусида маҳорат сирларини ўргатиш. Раққоса қизлар асосий шарт — рақс ижро этишгач, эркин мавзу эълон қилинди. Кўрик-танловни олиб борувчи иштирокчи қизларга:

— Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз? — деб савол берганида, ишонасизми, ҳамма иштирокчи бир хил жавоб қайтарди:

— Бўш вақтимда шеър ёзаман.

— Бўш вақтда ёзилган шеърларингиздан ўқиб беринг-чи?

Танлов иштирокчиси дона-дона, тутилмай шеър ўқий бошлади.

Дадам ошпаз,
Акам кабобпаз.
Укам сомсапаз,
Мен шеърпараст.
Ана, Сизга бўш вақтда ёзилган «шеър»!

Танлов якунлангач эса ғолибликка даъвогар қизнинг онаси ҳайъат аъзолари олдига юпқагина 2 та китобчани зарда билан отди:

— Мен қизимнинг 2 та китобини чиқарганман. Нега энди мукофотни 1 та ҳам китоб чиқармаган олади?

«Китобча»га кўз югуртираман. Нашриёт номи ҳам кўрсатилмаган, бўш вақтда ёзилган бўш сатрлардан иборат мисралар йиғиндиси эди.

Комила Каромова,
«Насаф», 2008 йил 1 февраль.

Шоқаҳҳор САЛИМОВ тайёрлади.

СЎРОВ

Ёшлар қайси нашрларни **ўқишаяпти?**

Файласуфлардан бири “Дўстинг кимлигини айтсанг, мен сенинг кимлигингни айтаман”, деган экан. Айни пайтда кўнгилга яқин газеталарни танлаш имкониятининг ҳам кенглигини ҳисобга олган ҳолда бу фикрни даврий нашрлар ва муштарийларга нисбатан ҳам қўллайверсак бўлади. Шу маънода, кундан-кунга сони ошиб бораётган турли хил газеталар орасидан қайси бирини ёшларимиз қизиқиб ўқиётганини билиш мақсадида уларга ушбу саволлар билан мурожаат этдик:

1. Юртимизда чоп этилаётган қайси газеталарни ўқиб борасиз?

2. Охирги бор ўқиган қайси мақола ёдингизда қолди?

Пойтахтимиздаги турли таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабаларнинг жавоблари қуйидагича бўлди.

Умиджон ДЎСТҚОБИЛОВ, ТДИУ халқаро иқтисодий муносабатлар факультети талабаси:

1. Университетимизда чоп этилаётган “Иқтисодчи” газетасининг ҳар сонини ўқийман. “Халқ сўзи”ни айни пайтдаги сиёсий жараёнлардан хабардор бўлиш учун, “Туркистон” газетасини ёшлар нашри бўлгани учун мутолаа қилиб бораман. “Ҳуррият”да эса таҳлилий мақолаларни ўқиш имкони бор.

2. “Ҳуррият” газетасида куни кеча эълон қилинган “Даҳолик” (муаллиф Виктор Алимасов) мақоласидан мен учун янгилик бўлган фикрларни ўқидим. Шунинг учун бўлса керак бу мақола эсимда қолди.

Жасур НОРМУРОДОВ, ТДТУ геология ва кончилик иши факультети талабаси:

1. Қўлимга тушган ҳар қандай газетани варақлаб чиқаман. Агар унда эътиборни жалб қила оладиган ўқишли мақолалар берилган бўлса мутолаа қилишдан эринмайман. Расмий газеталардан “Халқ сўзи”ни ўқийман. Қолаверса, “Даракчи”, “Тасвир” дегандай... Яқинда “Беқажон” газетасида чоп этилган “Ўғирланган келин” мақоласини ўқидим. Ҳикоя тарзидаги бу мақола жуда қизиқарли ёзилган экан.

Ўғилой СОҲИБОВА, ЎзДЖТУ таржимонлик факультети талабаси:

1. Юртимизда нашр этиладиган газеталардан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”ни ўқийман. Таҳсил олаётган соҳам таржимонлик бўлгани боис кўпроқ чет эл нашрларини кузатиб боришимга тўғри келади. “The Time”, “The every day news” газеталарини ўқир эканман, ўзимизнинг газеталар билан қиёслай бошлайман. Шуниси қувонарлики, газеталаримизда миллий руҳимизни ифодаловчи кўплаб тил услублари бор.

2. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да эълон қилинган адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг адабий танқид ҳақидаги мақоласи эсимда қолди.

Латифжон ШЕРМАМАТОВ, ЎзМУ география факультети талабаси:

1. Талабалар турар жойида ўртоқларим билан “Ҳордиқ”, “Чархпалак”, “Даракчи” каби газеталарни ўқиймиз. Тўғрироғи, кроссвордларини ечамиз. Дунёдаги сиёсий жараёнлар, умуман олганда ўзим учун керакли барча маълумотларни эса интернет орқали оламан. Шунинг учун газета ўқишга эҳтиёж туғилмайди. Менимча, “Ҳордиқ” яхши чиқяпти. Ундаги маълумотлар ростми, ёлғонми, халқни ишонтира оляпти, шу ҳам бир маҳорат-да! Қолаверса, жиддий мавзулардаги саҳифалари ҳам йўқ эмас.

Жамшид НИЁЗОВ, ЎзМУ журналистика факультети талабаси:

1. “Моҳият”, “Ҳуррият” газеталарини доимий кузатиб бораман. Шу билан бирга “Енгил газета”, “Интерфутбол”, “Ўзбекистон футболи”ни ҳам ўқийман. Менимча, ҳозирги пайтда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси яхши мақолалар эълон қилиб боряпти. “Моҳият”да ҳам ўқишли мақолалар кўп. Мустақил газета бўлган “Ҳуррият”дан ўзгача бир ҳур фикрни излайман.

2. “Енгил газета”да Акмал Тошев муаллифлигидаги “Эркаклар нега йиғлашмайди?” мақоласини ўқидим. Мақоланинг сарлавҳаси ҳар қандай йигитнинг диққатини тортади, лекин унинг ичида ҳеч қандай янги гап йўқ.

...Ёшларнинг кичик бир гуруҳи орасида ўтказилган сўровлар натижасида гувоҳи бўлганимиздек, ҳеч бўлмаганда битта нашрни кузатиб бораётган, талабалар билан бир қаторда жиддий газеталардан узоқлашиб бораётганлар ҳам талайгина экан. Дунё ахборот майдонига айланаётган бир пайтда баъзи ёшларимизнинг бу оқимдан четда эканлиги, турмушнинг майда тафсилотларигагина ўралашиб қолишаётгани афсусланарли эмасми?

Ситора ТОЖИДДИНОВА
ёзиб олди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Қулай, замонавий **ва** тезкор

Маълумки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик муассасаларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилиб, турли тадбир ҳамда грант танловлари ўтказиб келинмоқда. Натижада, мавжуд ижтимоий объектлар, хусусан, касалхоналар ҳар жиҳатдан қулай ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.



Суратда: ҳамшира Нилуфар Пирматова.

Хусусан, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси ҳам республикада биринчи бўлиб Японияниинг кичик грантини қўлга киритди. 86 минг 200 АҚШ доллари ҳажмидаги мазкур маблағга касалхонани зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш хусусидаги шартнома имзоланди.

Унга кўра, касалхона олти турдаги энг замонавий ва даволаш самарадорлигини ошириш хусусиятига эга бўлган тиббиёт анжомлари билан таъминланади. Жумладан, портатив, яъни зарурият туғилган ҳолларда кўтариб юришга мўлжалланган ултратовуш аппарати, бемор кравати ёнига ўрнатиб қўйилувчи кардиомонитор мосламаси ҳамда ошқозон-ичак хасталикларига ташхис қўйиш ва даволаш имкониятини берувчи дуоденофибрископ аппарати ана шундай ускуналар сирасига киради.

— Касалхона қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлангач, даволаш самарадорлиги илгаригига нисбатан тубдан фарқ қила бошлади, – дейди клиник касалхона бош шифокори Салоҳиддин Баҳридинхонов. – Боиси, эндиликда беморларнинг тўлақонли муолажа олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, грант натижасида қўлга киритилган асбоб-ускуналар Германия, Япония ва Россия давлатларида ишлаб чиқарилган бўлиб, эндиликда улар ёрдамида нафақат аниқ ташхис қўйиб, тўғри даволаш имконияти пайдо бўлади, балки беморда муолажалар таъсирининг тезкорлиги ҳам ортади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА

IPOTEKA BANK

IPOTEKA BANK

... шундай пайтлар бўладики,

кутилмаган харидлар

бизга қувонч

бахш этади



Ипотекабанк пластик карточкалари - бу сизнинг маҳсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 17000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган

ИНТИЛГАНГА — ТОЛЕ ЁР

Инсон оғирроқ дардга чалинганда сабр-матонат билан уни енгиб ўтса, жаҳл чиққанда ақлни устун қўйса чинакам инсоний фазилат эгаси саналади. Гўзал ҳислатларга ошно бўлиб яшаётган Азиза Қаҳҳорова ҳаётнинг оғир синовларини ҳам, тақдирнинг аёвсизликларини ҳам енгиб, орзу мақсадлари сари интилади. Оёқ бемажоллиги унинг жисмоний фаолиятига унчалик таъсир қилмаса-да, руҳан қийнарди. Шунинг учун Азиза 15 ёшгача мунтазам даволаниб турди. Айниқса, республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида даволанган пайтлари шифокор Ҳ.Асомовнинг самимий муомаласи-ю, кўрсатган беминнат ёрдамини у ҳеч қачон унутмайди...

Мустаҳкам ирода соҳибаси

Атаб-интернатини имтиёзли тамомлаб, 2-Тошкент юридик коллежига ўқишга кирди. Айни вақтда коллежнинг ҳуқуқшунослик йўналишида таҳсил олмоқда. У имконияти чекланган бўлишига қарамай, дарсларни ўз вақтида ўзлаштириш ҳамда жамоат ишларида, тадбирларда фаол қатнашишга ҳаракат қилади. Мактабда ўқиб юрган кезларида Бутунжаҳон ногиронларни ҳимоя қилиш конференциясида иштирок этиб, унда барча ногиронларга қандай шарт-шароитлар яратиш зарурлиги ҳақида ўз таклифларини билдирган. Шунингдек, спортнинг шахмат тури бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Азизанинг тенгдошларига ўрнак бўладиган жиҳатлари кўп. У — мустаҳкам ирода соҳибаси. Оёқларининг ҳаракатланиши қийин бўлса-да, дарслардан сўнг уй ишларида онасига қарашиб туради. Бўш пайтларида эса шеър ёзиш билан биргаликда расмлар ҳам чизади. Бадиий китобларни мутолаа қилишни, компьютерда ишлашни яхши кўради. Азиза билан суҳбатлашарканмиз у :

— Яратган мени дунё неъматларидан баҳра олишимни насиб айлаган экан, шифокорлар ҳаётимни сақлаб қолишди. Мени доим яхши инсонларга рўбарў қилгани учун ҳар доим шукрона қилиб яшайман. Кеча-ю кундуз ҳамма инсонларга соғлик сўрайман. Ўқиётган коллежимизда барча шарт-шароитлар етарли. Ўқишга ҳар куни таксида қатнаганим учун қийинчиликлар унчалик сезилмайди. Фақат давлат томонидан берилаётган II гуруҳ ногиронлик пенсия пули йўлкирамга сарф бўлади-да, баъзан етмай ҳам қолади (кулади), дейди у.



— Ўқитувчиларим ва дўстларим менга самимий муносабатда бўлишади, улар менинг бу ҳолатимга ўрганиб ҳам қолишган. Шу боис, ногиронлигимдан асло ўксимайман. Аммо кўчакўйда кетаётганимда айрим кишилар бармоқ учида кўрсатишса, кўнглим аллanечук бўлиб кетади, дилим оғрийди. Аслида ногирон ҳам одам, инсоннинг қалби ногирон бўлмаса бўлди, деб ўйлайман. Гарчи барчамиз ҳам бирдек инсон фарзандларимиз, одамгарчиликни одат қилмоғимиз, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлишимиз лозим.

Ўз мақсадларимга эришиш йўлида ногиронлигимни рўкач қилиб иш битиришни хоҳламайман. Ҳар қандай вазиятда ўз кучим ва билимимга таянишни маъқул кўраман. Янги 2008 йилдаги муҳим режаларимдан бири — «Келажак овози» мегатанловида иштирок этиб ғолиб бўлиш. Қолаверса, ўз соҳамни давом эттириш мақсадида Тошкент давлат юридик институтига ўқишга ҳам кирмоқчиман, — дейди у қатъият билан.

Дарҳақиқат, агар инсонда қизиқиш устун турса ва қобилият етарли бўлса, у ҳар нарсанинг уддасидан чиқа олади. Зеро, интилганга имкон интиҳосиз. Тўрт мучаси соғлом бўла туриб ҳеч нарсага қизиқмайдиган, илм олишга зўр иштиёқ билан ёндашмайдиган ялқов ёшлар ҳам орамизда кўп. Илмга чанқоқ, ғайрати тошқин Азизанинг ҳаёти тенгдошларига ўрнак бўлса арзийди.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

МУАЛЛИФДАН:

Қиссада тасвирланган воқеалар бундан анча йиллар аввал Қарши даштида бўлиб ўтади. Қишлоқнинг газ конларига келиб ишлаётган икки ёш қалб — Искандар ва Зулайҳонинг муҳаббатлари оғир синовлардан ўтади. Ўша собиқ иттифоқ даврида кўп учрайдиган интизомсизлик ва бепарволик оқибатида катта газ кони топилган жойда ёнғин чиқади.

Ёш қаҳрамонлар ўта хатарли ёнғин пайтида жасорат кўрсатадилар.

Ҳозир Искандар ва Зулайҳога ўхшаб газ конларида ишлаётган ёшлар янада кўпайган. Зеро, бугуннинг ёшларига ҳавас қилмасдан бўлмайди. Негаки, бугунги ёшлар кечагидан кўра жасоратли ишларга қодир. Бизнинг авлодга мансуб ёшларнинг ҳаётий тажрибаларидан бугунги авлод вакиллари ҳам баҳра оларлар, деган умид билан "Қадрим" қиссасининг тўлдирилган янги нашрини уларга тақдим этаман.

Пиримқул Қодиров

Қадрим

(Қиссадан парча)

***

Аланга атрофи темир-терсаклардан тозалангандан кейин, фаввора туби аниқ кўринди. Ажаб қизиқ табиат ҳодисалари бўлар экан.

Газ жуда тез отилиб чиқаётгани ва ҳаво етишмаётгани учун фаввора икки метрча ёнмай борар эди-ю, кейин бўлиниб-бўлиниб ёнарди. Аланганинг бўлиниб ёнганига сабаб — газ чиқаётган қувурнинг учи ёрилиб кетган эди.

Мутахассисларнинг айтишича, бу фавворани фақат портлатиб ўчириш мумкин эди. Лекин ёндош оқимлар йўқолмагунча ва аланга яхлит бўлмагунча портлатиш мумкин эмас эди. Энди ҳаммамиз қувурнинг ёрилиб кетган учини кесиб ташлаш йўлини ўйлай бошладик.

Қандай қилиб кесиш мумкин? Қўлда қилиб бўлмайди...

Бошлиқлар ҳарбий қисмдан ёрдам сўрашга кетишди...

Бир вақт, ўрта оғирликдаги танк, яшил сирти аланга ёруғида ялтираб, фавворага қараб кетди. Қулай бир позиция топиб тўхтаган танк аланга тубига бронтешардан уза бошлади.

Бир четдан қараб турибмиз. Газнинг наъраси ҳар қанча зўр бўлса ҳам, тўп овози "пўп" этиб эшитиларди.

Бир... икки... уч... тўрт. Ёндош оқимлар йўқолиб бораётир. Мана, еттинчи ўқ билан қувурнинг учи бутунлай кесилди. Фақат ён томондаги задвижка (қувурни бекитадиган асбоб) қийшайиброқ қолди.

Танк кетар экан, биз экипажга қўл силтаб миннатдорчилик билдирардик.

— Тинчлик бўлса, танк ҳам меҳнат қилар экан, — деган сўзлар эшитиларди.

Зўр бериб ишлаяпмиз. Портлатув шохобчаси ҳам битай деб қолди. Аланга томонга эллик метр чамасидаги энсиз темир йўл қурмоқдамиз.

Лекин газ ҳам тинч турмас эди. Танк ўқ отганда қийшайиброқ қолган задвижкадан аввал газ чиққани биланмас эди. Энди задвижка ёрилиб кетдими, ишқилиб, ундан чиққан газ оқими бирдан кучайиб, аввалгидан ҳам ёмонроқ ёндош аланга пайдо бўлди ва ер бағирлаб ёна бошлади.

Мутахассислар иложсизланиб қолишди.

— Тоза расво бўлди-ку, — деди Ғуломов. — Буни ўқ ҳам олмайди.

***

Энди ўқнинг ўрнига одам бормоқда. Бу одам — менман. Бошқа талабгорлар ҳам бор эди, бошлиқлар мени юборишди.

Юз метрли аланга қаршисида чумолидек кичик кўринсам керак. Қатор брандспойтлар оёғим остида сув сочиб, ерни совутади, бошимда соябон бўлиб кузатиб боради...

Шу сув салқинида мен яна кўпчиликнинг эътиборини ва ишончини ҳис қилиб бораман.

Қанча одам нафасини ичига олиб, менга қараб турганини, Зулайҳо ҳаммадан ортиқ хавотирланаётганини ўзимча тасаввур этаман. Кўпчиликнинг орасида Давронни ҳам кўрган эдим. Унинг куйган қўли қават-қават бинт билан боғланган ва бўйнига осиб қўйилган эди. Дўхтир уни касалхонага юбормоқчи бўлган, Даврон унамай чодирда ётган эди. Энди Зулайҳони қидириб келган бўлса керак. Бироқ Зулайҳо мендан кўз узмасди. Давроннинг эса ғаши келарди. Ҳозир у нима қилаётган экан?

Фавворага яқинлашган сарим бу ўйларнинг бир қисми гўё газнинг шамолидан учиб кетди, қолганлари кўнглимнинг тубига чўкиб йўқолди.

Мен ҳали газ чиқаётган жойга бунчалик яқин келганим йўқ. Қувур олдида ер шу қадар ларза қилади, фавворанинг даҳшати шу қадар зўрки, гўё ердан газ эмас, бомбалар оқими узлуксиз портлаб чиқаётганга ўхшайди. Нафас олиш қийин. Энгашиб қўйнимдан очқични олдим ва задвижкага яқинлашдим. Задвижканинг болтларини мўлжалга олиб бораётган эдим, бирдан юзимга салқинлик урди. Айни вақтда, нафасим қайта бошлади.

Мутахассислар айтган эди: фавворанинг тагида ҳаво бениҳоя сийраклашиб қолган, бу маълум даражада салқинлик беради, аммо кишини бўғади.

Бўғилсам ҳам секин илгарилаб бораётган эдим. Ҳавони сўриб олиб ёнаётган аланга бир вақт мени зўр бериб дамига тортса бўладими! Ердан кўтарилаётганимни сезиб, юрагим орқамга тортиб кетди. Аланганинг дамидан четланиш учун қаттиқ силтандим. Саросимада қолиб, ёндош оқимни унутиб қўйган эканман. Силтаниб бориб газга тегиб кетибман. Қаттиқ бир нарса — газ ҳам тез отилганда тошдай қаттиқ бўлар экан — мени хасдай учириб олиб кета бошлади...

***

Одам ердан узилса ёмон бўлар экан. Нима қилганимни яхши билмайман. Жон аччиғида яна бир силтанган бўлсам керак. Сальто қилгандай ҳавода дўмбалоқ ошиб қум устига йиқилиб тушибман. Устимга сув сочиб турганлари учун тез ўзимга келибман. Қарасам, икки киши замбил олиб менга қараб югуриб келяпти.

Уларга "қайтинг" ишорасини қилдиму, яна задвижкага қараб кетдим. Очқич ерда ётган экан, уни олдим. Бояги хатарли жойдан эмаклаб ўтдим.

***

Қараб турган одамлар энди аввалгидан ҳам ортиқ хавотирланганлар, Баҳром кейин айтиб берди: Зулайҳо титроғини ҳеч босолмаган, Даврон ҳам ҳамма нарсани унутиб, Зулайҳога тасалли бера бошлаган:

–Ҳеч гап эмас. Эсон-омон чиқади.

***

Мен буни кўрмаётган бўлсам ҳам, кишининг қалбига қувват берадиган алланарсани ҳис қилар эдим. Кўнгли яқин кишилар узоқдан туриб ҳам бир-бирларига ўз юрак тўлқинларини радио тўлқинлари каби юбориб турадиларми дейман?

Ўша пайтда мен буни ўйлаб кўрадиган аҳволда эмас эдим, фақат нимадир четдан мадад бераётганини сезардим, холос. Бир томондан ҳаво етишмай бўғилсам, иккинчи томондан аланга мени дамига тортар эди. Бунинг устига зўр бериб ишлашим керак эди. Задвижканинг болтларига очқични солиб, бор кучим билан бурар эдим.

Болт маҳкам экан, ёнбошга ётиб бир-икки урнаб кўрдим, бўлмади. Охири ўзимга номуносиб катта панжаларим иш берди.

Биринчи болт ерга тушди.

Яна бештаси бор.

Задвижканинг юқори четини боягги танкнинг ўқи қувурнинг учига қўшиб хиёл кесиб ўтган экан. Болтларга илиниб қийшайиб қолган задвижка ёндош оқим чиқишига сабаб бўлибди. Шу болтларнинг ҳаммасини бураб олишим керак. Нафас олиш тобора оғирлашади.

Бир қарич нари-веримдан ўтаётган ўлим хавфи билан тинмай олишишга тўғри келди. Баъзан кучларим тамом бўлаётгандай, ҳозир ҳушимдан кетадигандай бўламан... Лекин онгимда ўча бошлаган чироқнинг пилигини гўё кимдир кўтариб қўяди. Яна ишлаб кетаман.

Болтлар битта-битта ерга тушяпти. Охирги болтга қўрқа-писа очқич солдим. Чунки газ оқими болтдан бўшаётган задвижка қолдиғини менга олиб келиб уриши мумкин. Шундай босим билан урилган газ ҳам тошдай тегади. Бу-ку, оғир пўлат!

Дармоним кетиб қолган бўлса ҳам, икки кўзим задвижкада.

Бирдан газ оқими очқични ҳам болтга ва ҳалиги пўлатга қўшиб қўлимдан юлиб олди-ю, қаёққадир олиб чиқиб кетди.

Ёндош оқим марказий фавворага қўшилиб йўқ бўлди.

Топшириқ бажарилди!..

Мен мадорсиз бир аҳволда хавфсиз жойга чиқа бошладим. Кейин тўсатдан аланга ерга, ер осмонга қўшилиб гир-гир айланиб кетди.

Хавфсиз жойга чиқиб, "пружиналарим" бўшашибди шекилли, ҳушимдан кетиб қолибман. Бир вақт кўзимни очсам, чодирларнинг олдида ётибман. Тепамда — Зулайҳо! Киприкларига икки томчи ёш илиниб қолибди. Лабларида эса табассум...

Икковимиз чодирлар орасидан чиқдик.

***

Контейнер ўша ёнмай чиқаётган икки метрли кўкиш газга бориб қадалган заҳоти портлаб кетди.

Зўр чанг-тўзон булутдай кўтарилар экан, портлаш тўлқини гўё алангани кесиб ташлади.

Чўл бирдан қоронғилашди. Тонг отаётган бўлса ҳам, кучли ёруғликка ўрганган кўзларимиз ҳеч нарсани кўрмас эди. Лекин қоронғида бир-биримизни табриклаб, қучоқлаб, ўпар эдик.

Кундуз куни газнинг йўли ҳам бекилди. Кечга бориб чўл гўё жимиб қолди.

Ўша ҳовуз, ўша куйган темирлар, ўша темир йўл — ҳаммаси бор. Фақат даҳшатли наъра эшитилмайди. Афсонавий дев яна ўз кўзасига қамалгандай!..

Бир четда машиналар гувиллар, тракторлар тарилларди. Сўнгги кунларда пайдо бўлган ўт ўчирувчилар шаҳарчаси кўчиб кетмоқда эди.

Пётр Петрович, Баҳром ва мен учовимиз чодирлардан бирини йиғиштирмоқда эдик.

— Шунинг қозиқларини белги қилиб қолдирсак-чи, — деди Баҳром. — Ҳадемай бу ерга газопроводчилар келади.

— Майли.

— Қизиқ, шу қудуқнинг гази бир шаҳарни таъминлармикин? — дедим.

— Бир шаҳар нима бўлибди! — деди Баҳром. — Бухородай шаҳарнинг тўрттасини таъминлайди!

— Маҳоватдир?

— Йўқ, чин, — деди Пётр Петрович. — Ҳаммаси ҳисоблаб чиқилган.

— Билдинг? — деди Баҳром тантана қилиб ва қандайдир қўшиқни хиргойи қила бошлади.

Энди, газнинг хуружи енгилгандан кейин, унинг нафлари тўғрисида ўйлаш чиндан ҳам жуда ёқимли эди...

Деҳқон хўжаликлари эгалари диққатига!

Акциядорлик тижорат

«ПАХТА БАНК»

деҳқон хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзининг янги турдаги молиявий хизматларини таклиф этади.



- **Пахта банк деҳқон хўжаликларига ўз шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари, минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотиб олишга микрокредитлар ажратилишини маълум қилади.**
- **Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида минерал ўғит, кимёвий воситалар ва уруғликлар сотиб олиш учун 2 йил муддатга, кўчат сотиб олиш учун 5 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида берилади.**

Пахта банк томонидан микрокредитлар ажратишнинг ички тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур тартиб билан танишиш ва ундан фойдаланиш учун банкнинг туман филиаллари ва мини-банк шохобчаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ПАХТА БАНК фаровонлигингиз калитидир!

Пахта банк — сизларнинг молиявий мададкорингиз!

АВВАЛИ

6 августида кундуз соат 4 да эски чаҳорбоғда бўлур

УЛУҒ ХАЛҚ ТАМОШОСИ

Тамошода қуръа ила утуш (лоторея) уйуни ҳам бўлур. Тамошонинг фойдаси Самарқанд жамияти ҳайрияси нафъиға берилурким, бир кўп мусулмон ва рус ва кўрларға ва ҳам Руҳобод ва махдуми Хоразмдаги мусулмон мактабларига бўлуштурулур.

"Ҳуррият", 1917 йил 2 августа.

ТИЛМОЧ КЕРАК

Самарқанд шаҳрида Абрамоуф растасида гурудскуй училища иморатида тилмоч (переводчик) олинадур. Русча хати бўлса 145 сўм, русча хати бўлмаса 115 сўм ойлик берулур.

"Ҳуррият", 1917 йил 2 августа.

САМАРҚАНД ХАБАРЛАРИ

Самарқандниng татар ва ўзбак ёшлари тарафиндан қурулғон театру ва мусиқий жамияти августнинг биринчи куни оқшоми исломия қулубинда йиғилиб кенгашди. Бош муҳарримиз Фитрат афанди қалами билан ёзилғон "Бегижон" отли театруни августа йигирмасинда қўйуб соф ҳосилотиндан етмиш беш прасент "Ҳуррият" газетасиға ва йигирма беш прасент татар буйросиға бермоқчи бўлди.

"Ҳуррият", 1917 йил 2 августа.

ОҚЧА ТОПИЛГАН!

Панжшанба куни 27нчи июлда бир қадар оқча топилгандур. Йўқотган киши "Зарафшон" китобхонасиға келиб, миқса ва нишоналарини айтиб пулини олсун!

"Ҳуррият", 1917 йил 2 августа.

МАДАНИЯТ

Бобур ғазалига мухаммас

Бағрима тиғ солғон ул ишқ ғунчасин пайконидур,
Ақлу ҳушим олғон ул гулнозлиғим жавлонидур,
Ғунчадек васлиға етмоқлиғ кўнгул армонидур,
Гул жамолин ёпғон ул гулнинг икки райҳонидур,
Ғунча сирин очғон ул икки лаби хандонидур.

Томчи болдек ҳол дурур шўх наргисининг устида,
Мисли Зуҳро лол дурур ой-фонусининг устида,
Воҳким, ул моҳ нечун турмас сўзининг устида,
Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг устида,
Гул уза ағнар магар ул иккининг давронидур.

На қиё боққай нигоро, на бирор дам кел, дегай,
Ўй –хаёлим ёр сари савту сабодек ел, дегай,
Кўзларим ашкини ногоҳ кўрган одам сел дегай,
Ўки захмини кўриб ҳар ён танимда эл дегай,
Ким бу кўҳи дарднинг ул лолаи нўъмонидур.

Жонима қасд айлаған ул шўхи маҳваш қошидур,
Қош ила киприкларининг ёшурун кенгошидур,
Туну кун бошимғаким ёққон маломат тошидур,
Сел эмасдир ер юзин тутқон кўзимнинг ёшидур,
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.

Даҳр аро феълига боқсам, ёсумандек телбадур,
Балки ул ҳам ёр кўйида худди мандек телбадур,
Кулма, эй Мажнун бу кун Зикрилло сандек телбадур,
Ул пари ишқида Бобур кўнглим андек телбадур,
Ким сочи занжиридур, чоҳи зақан зиндонидур.

ШЕЪРИЯТ

Зикрилла НЕЪМАТ

Асрлардан ўзиб борар

Тонг-саҳарлар кўкка боқсам маҳлиё бўлиб,
Юрагимга нурлар оқар куйга жо бўлиб,
«Қаро кўзим», «Гулузорим», «Муножот» бўлиб,
Бошимизда мангу турар Навоий бобом,
Само узра кулиб турар Навоий бобом.

Элни севинг, мамлакатни этинг деб обод,
Ишқда Мажнун, жасоратда бўлинг деб Фарҳод,
Заковатли авлодлардан кўнгли бўлиб шод,
Бизга илму маърифатдан бахш айлаб қанот,
Зулмат йўлин тўсиб турар Навоий бобом.

Буюкларга авлод бўлмоқ о, нақадар соз,
Пок руҳлари кўнгилларни айлар сарафроз,
Эзгу ишлар қилингиз деб аждодларга хос,
Озод Ватан боғларида этганча парвоз –
Юртим ичра кезиб юрар Навоий бобом.

Ўтар яна не-не йиллар, не-не асрлар,
Аммо мангу порлагайдир ўлмас сатрлар –
Мир Алишер қаламидан яралган дурлар,
Замонларнинг бағрин тилиб ўтгандек нурлар,
Асрлардан ўзиб борар Навоий бобом.

Валуевнинг **навбатдаги рақиби** ким?

СПОРТ

Россиялик оғир вазнли боксчи Николай Валуев навбатдаги жангини белорус спортчиси Сергей Ляховичга қарши ўтказди. Жанг Германиянинг Нюренберг шаҳрида бўлиб ўтди. Ўта шиддатли кечган ушбу олишувда очколар ҳисобида (120-107; 120-108; 120-108) россиялик боксчининг қўли баланд келди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, Николай Валуевнинг муштлашиш тезлиги анча ошгани бутун баҳс давомида сезилиб турди. Ляхович эса учрашувдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида қатнаша олмади. У жанг давомида елкасидан оғир жароҳатланғани боис, рингдан тўғри касалхонага кетишга мажбур бўлди.

Валуевнинг бу ғалабаси Руслан Чагаевдан реванш олиш имкониятини беради. Хабарингиз бор, улар ўртасидаги жанг ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтганди. Ўшанда ҳамюртимиз ҳам очколар ҳисобида ғалабага эришган. Икки рақибнинг навбатдаги жангида эса ким аслида ким эканлигини билиб олишимиз мумкин, албатта. Ушбу жанг қачон ўтказилиши ҳозирча маълум эмас.

Испан футболи **босим остида**

Агар Испания футбол уюшмаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларга ҳукумат босим ўтказишни бас қилмаса, футбол бўйича миллий терма жамоаси ва ҳамма клублари барча халқаро мусобақалардан четлаштирилиши мумкин. Бу ҳақда ФИФА президенти Йозеф Блаттер маълум қилди. Шунингдек, у – "Испания футбол федерациясининг ишларига ҳукумат аралашишни тўхтатмас экан, у ҳолда испанлар катта футбол билан хайрлашишларига тўғри келади. Бу шунчаки оддий гап эмас, зарур бўлса биз буни амалга оширамиз. Ушбу ҳақдаги қарорни эълон қилиш учун ФИФАнинг махсус қўмитасининг атиги олти соат вақти кетади, холос. Натижада эса Испания миллий терма жамоаси Евро 2008 да ва клублари ўз навбатида чемпионлар лигаси ва УЕФА кубоги доирасидаги учрашувларда қатнаша олмасликлари турган гап. Айни вақтда вазиятни унчалик инқирозли деб бўлмайди. Ҳозирча бу ишларнинг фақатгина тутунини сезаяпмиз, олови эса ҳали алангаланганича йўқ. Бундан испан расмийлари тўғри хулоса чиқаради деган умиддаман," деб ҳам таъкидлаб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Испания миллий терма жамоаси шу йилнинг ёзида Австрия ва Швейцария яшил майдонларида ўтадиган қитъа биринчилиги ҳуқуқига эга бўлиб, Греция, Швеция ҳамда Россия терма жамоалари билан биргаликда D гуруҳидан жой олган. Испан клубларидан «Реал», «Барселона» ва «Севилья» чемпионлар лигасида қатнашаётган бўлса, УЕФА кубогида «Вильяреал», «Хетафе» ҳамда «Атлетико» жамоалари Испания шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Лондоннинг «Челси» клуби раҳбари Роман Абрамович клуб ҳужумчиси Дидье Дрогбани 35 миллион еврога сотишини билдирди. «Барселона» ва «Милан» жамоалари уни сотиб олишга даъвогар эди. Энди футболчининг баҳоси аниқ бўлганида масала очиқлигича қолмоқда.

Азим Рўзиев тайёрлади.

Зикир Муҳаммаджонов,

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони:

УЧРАШУВ

«Актёрлик — **пешонамга ёзилган қисмат»**

Ҳар бир санъаткорнинг кўнглига тугиб қўйган бир орзуси бўлади. Ана шу орзу унга сира тинчлик бермайди, фойдали изтиробга, ортидан қувонч келадиган ташвишга солади. Орзу, унинг изтироби, қувончи, ташвиши кўпинча бир улуғ образ яратиш майлида туғилади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 70 йилдан бери фаолият кўрсатаётган атоқли актёр Зикир Муҳаммаджонов яратган 150 га яқин роллари ичида Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Ҳусайн Бойқаро каби буюк тарихий шахсларнинг ёркин образи актёр ижодида алоҳида ўрин тутади.

Бундан ташқари актёрнинг турли даврларда яшаган турфа мафкура ва дунёқарашга эга бўлган Фурқат, Ҳамза, Йўлдош Охунбобоев ва генерал Собир Раҳимов қиёфасининг талқини, жаҳон классикасида яратган ҳар хил характерли образлари, "Ўзбектелефильм", "Мосфильм", "Тожикфильм", "Ҳиндфильм"да ижро этган юзлаб бетакрор роллари ҳали-ҳамон эл эътиборидан тушмайди.

87 ёшни қаршилаётган устоз санъаткор ҳануз санъатнинг масъулиятини, шарафини, қувончини, машаққатини, шитобини ўйлаб, умрининг бахтли соатларини, фаолиятининг энг сермазмун даврини муқаддас саҳнада деб билади.

ЁШЛИКДА «ГАМЛЕТ»НИ ЎЙНАШНИ ОРЗУ ҚИЛГАНМАН

— Санъаткор, — дейди мамнуният билан Зикир Муҳаммаджонов, — санъаткорона меҳнат билан қадр топади. Ҳаётда яхши инсонларнинг бир турткиси орзу қилган манзилга етишингда катта мадад бўлади. Назаримда, буюк устозларимнинг ишончи ва ижодий ёрдами, бағрикенглиги ижодимда самарали роль ўйнади. Бир пайтлар биз — ёш актёрлар буюк образларни ўйнаш иштиёқида театрга келганмиз. Масалан, ич-ичимдан "Гамлет"ни ўйнашни орзу қилиб, бу роль устида йиллаб меҳнат қилганман. Бу истакни устоз Шукур Бурхонов, Аброр Ҳидоятовга айтишни андиша билардик. Энди англаман, санъатда юзхотирлик қилиш керак эмас экан.

Актёрнинг юраги куч-ғайратга тўлиб-тошган, жисмоний бақувват, ақл-заковати пишиб-етилган пайтда яратадиганини яратиб қўйгани маъқул. Айни йигитлик давримда "Тожикфильм"да роль ўйнаш жараёнида тоғ ёнбағрида ойлаб машина ҳайдашни ўрганганларимиз, фидойи замондошларимизнинг қиёфасини яратиш учун танқдан-танкка сакраб юрганларим... ҳаммаси — хотира. Биласизми, ўшанда театримиз ўзбек драматургиясининг лабораторияси деган ном олганди. Энди бунақа киноларни олиш қаёқда дейсиз. Жисмоний қувватим ҳам етмайди. Ҳозир ёш актёрлар орзу қилган ролларида чиқишаяпти. Ёшларга ҳар доим ҳавас билан қарайман.

— Зикир ака! Нега актиёрлик — энг оғир, қийин касбни танладингиз?

— Актёрлик — пешонамга ёзилган қисмат! Болалигимданоқ санъатнинг ҳаваскорлик тўгарагларига қатнашардим. 1937 йилда Маннон Уйғур раҳбарлигида ҳаваскор ёш санъаткорлар ўртасида танлов эълон қилинди. Мана шу танловда иштирок этиб, Маннон Уйғурнинг назарига тушдим шекилли, тадбир тугагач, устоз мени ёнига чақиртирди. Суҳбатлари асносида менга кичик эпизод беришини, агар ўдаласам Ҳамза (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)га ёрдамчи актёр этиб ишга олишини айтди. Шундан сўнг бир йил давомида театрда синов ўтадим. Шу орада Аброр Ҳидоятов қаламига мансуб "Аваз" пьессасида Раҳматулла ролини ўйнадим. Балки мана шу ижро этган ролимда имкониятларимни топган Маннон Уйғур 1943 йилда Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин" пьессасида Темур Малик ролини менга топширди.

1945 йил уруш тамом бўлиши билан Тошкентда театр ва рассомчилик институти очилди. Театрда ўйнаган ролларимни инобатга олишиб, мени ушбу олийгоҳга ўқиш учун тавсия этишди. Ҳам театрда ишлаб, ҳам ўқидим. Бизга уруш туфайли Москва, Ленинграддан келиб қолган санъатнинг улуғ дарғалари дарс берганлиги бизни актёр сифатида шакллантирди, ўзбек театр ва кино санъатининг салмоқли ривожланишида улкан ҳисса қўшди. Кинода ўйнаган ҳар бир ролимни ўзбекнинг буюк санъаткори — Шукур Бурхонов кўриб маслаҳат берарди.

— Айтинг-чи, актёр ўзини қандай ва қайси йўллар билан яратади?

— Яхши роллар, иқтидор, машаққатли меҳнат билан-да, шубҳасиз. Актёр ишсиз қолиши мумкин эмас. Унинг ҳар бир куни саҳнанинг ҳидидан маҳрум этилса, у ўзини қўярга жой тополмай қолади. Актёр менинг назаримда, ҳар куни парвоз қилиши керак. Роль берилмаса қаноти боғланган қуш сингари парвозга интилади-ю, бироқ фойдасиз бўлади. Ҳозир суратга олинаётган кинонинг бир айби — томошабинни жалб этиш учун қўшиқчиларни жалб этишмоқда. Ахир актёр — актиёр бўлиши учун тайёрланиши, йиллаб таҳсил олиши муқаррар. Санъаткорликни бўйнига олган ҳаваскор олийгоҳда ўқиши шарт. Илмда гап кўп. Олийгоҳда ўқиган санъаткор қўшиқчилик, актёрлик, режиссёрлик бир-бирида бутунлай фарқ қилишини англайди. Қўлига дутор олиб, битта ашула айтгани билан ашулачи ёки бирор ролни ўйнаган билан актёр бўлиб қолмайди. Санъаткор санъаткорона меҳнат билан қадр топади. Баъзан қайси режиссёр қандай ролга таклиф этмасин ўзимга хуш кўрмаган кинога чақиришса бормайман. Актёрнинг ўйнаган ҳар бир роли катта воқеа бўлиши керак. Ўзини экранда кўриб қилган ишидан афсусланмаслиги лозим. Шундагина томошабин ўша спектаклдан сўнг қаттиқ таъсирланиб, кечаси билан ухлолмай, санъатнинг қудратига тан беради. Шунда актёр ўзини яратиши, шу санъат ҳақиқати деб биламан.

ДЕҲҚОНБОЙ — ШУБҲАСИЗ ЙИРИК ШАХС

— Театр кино саҳнасида ижро этган турли-туман ролларингиз орасида Навоий роли ижодингизнинг энг чўққиси ҳисобланади. 60 йилдирки, "Навоий" спектакли саҳнадан тушмайди. Бу театрнинг, актёрнинг энг катта ютуғи эмасми?

— Навоий образини яратиш улкан орзуларимдан бири эди. Ҳа, бу образни ижро этиш учун йиллар мобайнида ички тайёргарлик олиб борганман. Бу образим томошабинга манзур бўлган бўлса, ютуғи шоир ижодидан бохабарлигим ва ўша ички тайёргарликда деб биламан. Алишер Навоий ролини илк бор Аброр Ҳидоятов сўнг Олим Хўжаев кейин мен ўйнадим. Ундан сўнг эса маҳоратли актёр Ёқуб Аҳмедов ҳам бу ролни маромига етказиб ижро этган. Ҳозир ҳам янги вариантда "Навоий" спектакли қўйилаяпти. Булар ўлмас асарлар. Бундай маънавий меросни асраб-авайлашимиз, фойдаланишимиз, ўқиб лаззатланишимиз керак.

— Сизнингча, инсонни нима шахсга айлантиради? Бугунги кунда эса қаҳрамон шахсига нисбатан талаб, театр, кино санъатида қандай ўзгармоқда.

— Биласизми, театрни ҳам, кинони ҳам бир муаммо ўйлантиради. "Бугунги замонамиз қаҳрамони ким? Ёшлар кимдан ибрат олиши керак?!" Баъзан ёнимиздаги бутунқалб, ватан учун куйиб-ёниб яшаётган, ўз эътиқодига эга баркамол фозилнию оддий кулолчининг қаҳрамонлигини сезмаймиз. Режиссёрлар ҳам, актёрлар ҳам хонасидан ташқарига чиқмайди. Мана, масалан, театрда Абдулла Қаҳҳорнинг "Шоҳи сўзана" асаридаги Деҳқонбой — шуҳбасиз йирик шахс. Кинода масалан, мен худди шу баҳони "Фидойи" фильмидаги Собир Раҳимовга бера оламан. Баъзан учрашувлар, тадбирлар баҳонасида одамлар билан учрашсам кўпроқ ҳарбийлар "Нега телеэкранда Собир Раҳимов ҳақидаги фильм қўйилмаяпти?" дея сўрашади. Ҳақиқатан ҳам нега ёшларга Собир Раҳимов кўрсатилмаяпти? Савиясиз кино асарлардан кўра, томошабинларни ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар акс этган кинолар эътирбордан четда қолмаслиги керак. Очиғини айтсам, драматургиянинг саёзлашиб бораётгани туфайли санъат аҳли саёз сценарийларга, прозага мурожаат қилаяпти. Тўғрисиям, театрга камдан-кам яхши пьессалар келяпти. Мисол учун истеъдодли ёзувчи Эркин Аъзамнинг "Талваса" асари тақдим этилганлиги бизни қувонтирди. Режиссёр Марат Азимов талқинида бу асар саҳналаштирилиб, бош ролни Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ижро этаяпти.

Кейинги пайтда режиссёр, муаллиф, актёр ҳамфикрликда ишламаяпти. Авваллари театрга тақдим этиладиган драмалар минг "чиғириқ"дан ўтказилиб, сўнггина саҳналаштириларди. Шунинг учун ҳам айрим драматурглар бўш нарсасини театрга кўтариб келишга ҳайиқарди. Яхши фильмлар яратиш учун ҳозир ўша "чиғириқ"лар етишмаяпти. Шунинг учун замонавий фильмларимиз муваффақият қозонолмаяпти.

— Аввалари "Ўзбектелефильм" студиясини "Мосфильм", "Тожикфильм", "Германфильм" билан ҳамкорлик бойитиб борарди. Ҳозир ҳам яна чет эл фильмлари билан алоқани йўлга қўйиш керакдек назаримда...

— Фикрингизни маъқуллайман. Мен ҳинд режиссёри билан "Али бобо ва қирқ қароқчи" фильмида роль ўйнаганман. Ҳозир нега улар биз билан алоқа қилмаяпти? Ролларда нега биз уларни, улар бизни таклиф этишмаяпти? Ҳозирги суратга олинадиган киноларни хусусий студияда олинаяптими ёки давлат киностудиясида олинаяптими ажратиш қийин бўлиб қолди. Бу саволлар мени ўйлантиради, ташвишга солади. Ахир актёрни режиссёр юзага чиқаради-ку. Кейин жуда кўп беназир классик ўзбек фильмлари экранда қўйилмаяпти. Бу масала устида ҳам жиддий бош қотириш керак. Мустақиллик шарофати билан санъат соҳасида ҳам мислсиз имкониятлар яратилди. Шарт-шароитдан фойдаланиб, ўзбек кино санъатини жаҳонга кўтариш керак. Санъат деган сўз чегара билмаслиги керак. Агар ўзбек киносининг тақдири ҳақида қайғурилса, ўша режиссёрларни жалб этиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

САНЪАТДА ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК КЕТМАЙДИ

— Баъзи таниқли санъаткорларнинг ҳар хил олди-қочди, пуч гаплардан иборат фильмларда чиқиши ёки тўйда даврақашлик қилиб яшаётганлиги кишини таажжубга солади. Бу ҳолат актёрнинг парвозига тўсқинлик қилмайдими?

— Шу саволингиз бир воқеани ёдимга солди. Бир марта тўйда спектаклда ижро этаётган диалогимни ўқиганимда устоз Шукур Бурхонов эшитиб қолди. Эртаси куни ёнига чақириб:

— Агар спектаклдаги гапларингни яна бирор марта тўйда айтсанг, театрдан кетасан, — дея жаҳли чиқди. Бу воқеа ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Биласизми, актёр роль ижро этаётганида хаёлини рўзғор ташвишларию моддий қийинчиликлар банд этмаслиги керак. Бундай муаммолар актёрнинг имкониятини чеклайди.

— Умуман... томошабинни театрга қайтариш учун нима қилиш керак?

— Баъзан ҳаётингдан, борлиғингдан кечиб бир роль устида ойлаб тер тўкасану театрга бармоқ билан саноқлигина томошабин киради. Одамга алам қилади бу ҳолат, албатта. Кейин томошабин ҳам тўғри келган ғояни қабул қилиши эмас, талаби катта бўлиши керак. Албатта, театрга яхши асарлар керак. Иқтидорли актёрларни кўтариш лозим. Драматургия билан қатъий ишлаш даркор.

— Сизни нималар ўйлантиради?

— Ижодий учрашувларга борганимда ақл-заковати теран ёшларни кўп учратаман. Улар олийгоҳни битиргач, қаерга ишга бориши мени ўйлантиради. Хўш, улар ишга жойлашди ҳам дейлик. Жойлардаги раҳбарлар улардан тўғри фойдаланиб, истеъдодини асраб-авайлаб тўғри йўлга бошқариб, манзилга етказа оладими? Бу туйғулар менга тинчлик бермайди. Биласизми, мени яна оғир ўйга чўмдирадиган ҳолат театрда, кинода иқтидорсизларнинг ишга қабул қилинаётганлигидир. Ахир санъатда бошқа соҳалардагидек ошно-оғайнигарчилик кетмайди. Актёрликда иқтидори йўқларни бир-икки ой яшириш мумкин, аммо кўп ўтмай сири фош бўлади. Энг фожиаси ўша иқтидорсизлар истеъдодлилар ўрнини эгаллайди. Айни дамда мана шу муаммолар туфайли санъатимиз саёзлашиб бормоқда. Бунинг олдини олишимиз керак.

— Айни пайтда томошабинлар учун муҳим, бутунлай янги қандай ижодий ишлар билан бандсиз?

— Менинг йиллар мобайнида орттирган тажрибаларим асосида "Театр ва режиссёр", "Театр ва актёр", "Ўзим кўрган ва билганларим" номли тўпламларим нашрдан чиққанди. Ҳозир ўша тўпламни янгилаб қайта нашрдан чиқариш туйғуси кўнглимдан кечаяпти. Бугунги айрим ёшлар Маннон Уйғур, Раззоқ Ҳамроев, Ғани Аъзамов, Аббос Бакиров, Олим Хўжаев ва бошқа таниқли санъаткорларни қандай ва қайси ролда ўйнашганини сўрасангиз билишмайди. Шунинг учун ҳомий топилсаю, шу китоблар қайтадан нашрдан чиқса, маънавиятимизни бойитарди.

Роль ўйнаш учун жисмоний қувватим етмаса-да, ўзимга хос бетакрор образлар яратиш иштиёқи юрагимда сўнмаган.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Фикр

Ҳақиқий қайғу андишали бўлади.

Э.Геббель

КУЛГИ

«Мен кетяпман, тушки овқатни...»

Кўпқаватли уйнинг еттинчи қаватида турадиган бир хасис энг юқори қаватнинг томига чиқиб, телевизор антенасини ўрнатаётган эди, қулаб кетди. У ерга учиб тушаётиб, ўз хонаси деразаси олдидан бақириб ўтди:

- Хоти-и-ин! Мен кетяпман, тушки овқатни ўзингга лойиқ қил!

* * *

Ошиқ йигит маъшуқасига дил изҳори қиляпти:

- Азизам, дунёда мен учун энг қимматли нарса ўзингизсиз...

- Нима бўлди, машинангизни сотиб юбордингизми?

* * *

- Кеча хотиним мушукни ўрмонга олиб бориб, адаштириб келинг деган эди.

- Хўш, адаштириб келдингми?

- Э-э, қаёқда, ўзим мушукнинг орқасидан зўрға уйимни топиб келдим.

* * *

Хотин машина ҳайдаб кетаётган эрига ақл ўргата бошлади:

- Бурилиш чироғини ёқ! Тормозни тузукроқ бос! Бунақа кескин бурилмагин-да!

- Илтимос, овозингни ўчир! Сенинг вазифанг – ЙПХ ходимига илжайиб қараш, холос.

* * *

Уруш вақтида бир генерал жуда чиройли, ёш қизга уйланди.

- Дўстим, сенга жуда ачинаман,- деди бир дўсти.

- Нега бундай дейсан?

- Чунки энди сен иккита фронтни қўриқлашингга тўғри келади.

* * *

– Қара-чи, тўқайда бир ҳайвонни отувдим, нимайкин?

– Эшмат экан, паспортида шундай деб ёзилибди.

* * *

– Сир сақлай оласанми?

– Бўлмасам-чи, маошим ошганига беш йил бўлди, ҳалигача хотиним билмайди.

* * *

– Биласанми, менинг хотиним – фариштa.

– Бахтли экансан. Меники ҳалиям ҳаёт.

* * *

– Хотин, юқоридан қирқ сўм ташлаб юбор!

– Вой, тангалар сочилиб кетади-ку!

– Минг сўмликка ўраб ташласанг сочилмайди!

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Рассом хандаси

Бу «одат»га қачон барҳам бериларкин?..

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

HURRIYAT
O'zingni anglat!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 233-36-02. **Тел:** 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим Рўзиев

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.40

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-154 Адади: 8400 1 2 3 4 5 7 8